

Пора товламачилик йўли билан олинганлиги тўғрисидаги суд хулосаси иш бўйича аниқланган ҳолатларга мувофиқ эмаслиги ҳукмнинг ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят Конимех туман судининг 2005 йил 29 ноябрдаги ҳукмига асосан Э. ЖК 210-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суд ҳукмига кўра, Э. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилган.

Э. Навоий шаҳар 1-сонли поликлиникада жарроҳлик бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келган даврда, вилоят мудофаа ишлари бошқармасида тиббий кўрик комиссияси аъзоси сифатида хизмат мавқеидан фойдаланиб, ҳарбий хизматга кириш учун тиббий кўриқдан ўтаётган Ж.дан унда мавжуд «варикоз» касаллигини унинг илтимосига кўра тиббий варақасига киритмаслик эвазига товламачилик йўли билан 100.000 сўм пора талаб қилиб, 2005 йил 20 сентябрь куни 80.000 сўм пул олган.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 18 январдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган ва Э.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 6-моддаси «а» банди тадбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми учдан бирига қисқартирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари суд қарорларини ўзгартириш тўғрисида назорат тартибида протест киритган.

Навоий вилоят суди раёсати 2006 йил 28 декабрда қуйидаги асосларга кўра, протестни қаноатлантирган.

Э.нинг мансабдор шахс сифатида пора олишда айбдорлиги жиноят ишида тўпланган далиллар билан исботланган бўлса-да, бироқ унинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорнинг 11-бандига кўра, товламачилик деганда, мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиниши ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга солиш тушунилиши лозим.

Иш материалларига қараганда, Э. ўз ҳаракатлари билан Ж.га нисбатан унинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган ҳаракатларни содир этмаган. Аксинча, Ж. ҳарбий хизматга яроқсиз эканлигини билгани ҳолда ўзини соғлом деб ёзиб беришни Э.дан илтимос қилиб, уни моддий манфаат билан қизиқтирган.

Бундай ҳолатда Э.нинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисмининг «в» бандида назарда тутилган товламачилик белгиси мавжуд деб бўлмайди.

Юқоридагиларга кўра, Навоий вилоят суди раёсати Э.нинг ҳаракатларини ЖК 210-моддаси иккинчи қисмининг «в» бандидан шу модданинг биринчи қисмига қайта квалификация қилиш ва унга нисбатан амнистия актини қўллаб белгиланган жазодан озод қилиш ҳақида қарор қабул қилган.

05-47-06 сонли қарор